

FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ХОДЖИМАТОВ Санджар Рустамжонович
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14644412>

“YOSHLAR-KELAJAGIMIZ” ЖАМҒАРМАСИ ТИЗИМИДА ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ ПРИНЦИПЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёшларни тадбиркорликка фаол жалб қилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ҳамда ёш тадбиркорлар фаолиятини тизимлаштиришнинг аҳамияти қайд этилган.

Юртимиздаги ёш тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ўз бизнесини кенгайтириш, масштаблаштириш, маҳсулот ёки хизматларини брендга айланттириш, хорижий ва халқаро бозорларга чиқишига кўмаклашиш мақсадида ёш тадбиркорлар фаолиятида лойиҳа бошқаруви принципларини тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида фаолият юритаётган “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси ва унинг тизимлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларда лойиҳа бошқаруви принципларини тадбиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Калит сўзлар: лойиҳа бошқаруви принциплари, бизнес ғоя, бозор таҳлили, бизнес режа, бизнесни тизимлаштириш, стартап лойиҳа, лойиҳа бошқаруви методологияси, ижтимоий тадбиркорлик, технологик стартап, рақобатбардошлик, онлайн хизматлар.

ПРОЕКТ В СИСТЕМЕ ФОНДА “МОЛОДЕЖЬ - НАШЕ БУДУЩЕЕ” ВНЕДРЕНИЕ ПРИНЦИПОВ УПРАВЛЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются результаты реформ, направленных на развитие молодежного предпринимательства в Узбекистане, а также подчеркивается важность систематизации деятельности молодых предпринимателей.

Особое внимание уделяется применению принципов проектного управления в деятельности молодых предпринимателей с целью расширения их бизнеса, масштабирования, брендинга продукции или услуг, а также выхода на зарубежные и международные рынки.

Использование принципов проектного управления в деятельности фонда “Молодежь - наше будущее” и его структурных подразделений является ключевым фактором для успешной реализации проектов, направленных на развитие молодежного предпринимательства в нашей стране.

Ключевые слова: принципы проектного управления, бизнес идея, анализ рынка, бизнес план, систематизация бизнеса, стартап проект, методология проектного управления, социальное предпринимательство, технологический стартап, конкурентоспособность, онлайн услуги.

PROJECT IN THE SYSTEM OF THE FOUNDATION “YOUTH-OUR FUTURE” IMPLEMENTATION OF MANAGEMENT PRINCIPLES

ANNOTATION

This article examines the results of reforms aimed at developing youth entrepreneurship in Uzbekistan, and emphasizes the importance of systematizing the activities of young entrepreneurs.

Particular attention is paid to the application of project management principles in the activities of young entrepreneurs in order to expand their business, scale, to become a brand their products or services, and enter foreign and international markets.

The use of project management principles in the activities of the “Youth-our future” Foundation and its structural divisions is a key factor for the successful implementation of projects aimed at developing youth entrepreneurship in our country.

Keywords: project management principles, business idea, market analysis, business plan, business systematization, startup project, project management methodology, social entrepreneurship, tech startup, competitive ability, online services.

Сўнги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳада кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан 2024 йил 20 август куни ўтказган очик мулоқотида юртимизда тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, Мухатарам Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек “2024 йилнинг ўзида тадбиркорларнинг товар айланмаси ўтган йилга нисбатан 25 фоизга кўпайиб, 986 триллион сўмга етди. Йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган ўрта корхоналар 2 қарра кўпайди. Айланмаси 100 миллиард сўмдан ортиқ йирик корхоналар эса 2 минг 200 тадан ошди” [1].

Мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юртимиз иқтисодиётини юксалтиришда ёш тадбиркорлар ҳиссасини ошириш борасида ҳам кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар натижасида йилдан йилга юртимизда ёшлар тадбиркорлиги ривожланиб ёш тадбиркорлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Президент ва ёшлар учрашувида Мухатарам Президентимиз томонидан “ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш доирасида ўтган тўрт йилда:

- “Оилавий тадбиркорлик” дастурлари доирасида 13,5 триллион сўм кредит ажратилиб, 1 миллион ёш банд бўлганлиги;

- “Ёшлар дафтари”дан 107 минг ўғил-қизларимизга 338 миллиард сўм субсидия берилгани;

- 205 та “Ёшлар саноат зонаси”да 2,5 триллион сўмлик 1,2 минг лойиҳа ишга тушганини таъкидлаб ўтилди” [2].

Шунингдек, Президентимиз яратилган шароитлар ҳисобига, бизнесини “ноль”дан бошлаб, ҳозирда айланмасини миллион доллардан оширган 1,5 минг нафар ёшларимиз борлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бироқ мавжуд кўплаб имкониятлар, имтиёзлар, қулай шароитларга қарамасдан аксарият ёш тадбиркорлар фаолиятида, уларнинг ўз бизнесини тизимлаштириш, кенгайтириш ва масштаблаштириш борасида кўплаб муаммолар кузатилмоқда. Хусусан, ёш тадбиркорлар фаолиятида лойиҳа бошқаруви принциплари татбиқ этилмаганлиги, жумладан, бизнесни тизимлаштириш, системалаштириш, автоматлаштириш йўлга қўйилмаганлиги қуйидаги муаммолар:

- Ёш тадбиркорлар бизнес лойиҳасида мақсаднинг аниқ қўйилмаганлиги, бизнес жараёнлари тўғри ва батафсил режалаштирилмаганлиги;

- жамоа тўғри шакллантирилмаганлиги, жамоа аъзоларига вазифалар тўғри тақсимланмаганлиги, ҳар бир жамоа аъзосининг функционал вазифалари ишлаб чиқилмаганлиги;

- бизнес лойиҳани амалга оширишда лойиҳа бошқаруви принциплари асосида жараёнлари режалаштирилмаслиги;

- бизнес лойиҳани амалга оширишда лойиҳа бошқарувининг замонавий методларидан фойдаланмаслик каби ҳолатлар кузатилади.

Ушбу муаммолар ёш тадбиркорлар ўз фаолиятини ривожлантириши, кенгайтириши, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга тўсик бўлиши мумкин.

Юртимиздаги ёш тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ўз бизнесини кенгайтириш, масштаблаштириш, маҳсулот ёки хизматларини брендга айлантириш, хорижий ва халқаро бозорларга чиқишига кўмаклашиш мақсадида ёш тадбиркорлар фаолиятида лойиҳа бошқаруви принципларини тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида фаолият юритаётган “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси ва унинг тизимлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларда лойиҳа бошқаруви принципларини тадбиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Шунингдек, “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси томонидан ёш тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятига лойиҳа бошқаруви принциплари ва замонавий методларини жорий қилишга тарғиб қилиш, уларга тўғри йўл-йўриқ, маслаҳат кўрсатиш зарурати мавжуд.

Асосий қисм.

Тадбиркорлик фаолиятида бизнесга ноёб лойиҳа сифатида қараш, бизнесни бошлашдан олдин бизнес лойиҳани мукамал ишлаб чиқиш, барча босқичлар ва жараёнларни олдиндан режалаштириш муҳим омил саналади.

Ҳар бир бўлажак тадбиркор бизнесни бошлашдан олдин хавотирга тушиши аниқ. Гарчи, бизнес ғоя шакллантирилган, бизнес-режа ишлаб чиқилган, зарур тадқиқот ва таҳлиллар амалга оширилган бўлсада, келгусидаги ноаниқ ва мавҳум вазият бир оз ҳадиксираш ҳамда кўрқув ҳиссини вужудга келтиради.

Авваламбор, янгидан иш бошлаётган тадбиркорлар мижоз ва харидорлар эътиборини қозона олмасликни ўйлаб, ташвишга тушишади. Бундай ҳолатда ўзига хос сўров ўтказиш: атрофдагилар ушбу бизнесни бошлаш тўғрисидаги ғояга қандай қарашади?

Ҳеч нарчасиз қолишдан ташвишланиш, таваккалчиликлар олдидаги кўрқув ҳам бизнесни бошлашга тўғанок бўлувчи омиллардан ҳисобланади. Агар олдиндан келгуси хатти-ҳаракатлар аниқ режалаштирилган, бизнеснинг кучли ва заиф томонлари аниқлаштирилган бўлса, демак, маълум бир таваккалчиликлар аллақачон инobatга олинган. Кўрқувни енгишнинг энг мақбул йўли – таваккалчиликларни назорат остида ушлашга ҳаракат қилишдир.

Бизнес ғоя инсонлар ҳаёти, турмуш тарзидаги маълум бир муаммоларига ечим сифатида таклиф этилиши мақсадга мувофиқдир.

Бизнес ғояни ишлаб чиқишда нималарга аҳамият қаратиш кераклигинин қуйида кўриб чиқамиз.

Бизнес ғоя – бу янги маҳсулот, хизмат ёки бизнес моделини яратишга қаратилган бошланғич нуқтадир. Муваффақиятли бизнес ғояни ишлаб чиқиш учун бир қатор муҳим жиҳатларга эътибор бериш лозим.

Бозор таҳлили:

- Мавжуд бозор: Ўхшаш маҳсулот ёки хизматларни таклиф қилувчи бозорни чуқур ўрганиш, уларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш;

- Бозордаги бўш бўлган ўринни топиш, масалан, маълум бир маҳсулотларга бўлган талаб юқори бўлган, аммо бу соҳада рақобат кам бўлган соҳани танлаш;

- Мижозлар: мақсадли аудиториянинг эҳтиёжлари, истаклари ва муаммоларини аниқлаш, масалан, одамларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш хизматини йўлга қўйиш мумкин;

Рақобатбардошлик:

- Рақобатчилар: Бозордаги асосий рақобатчиларни аниқлаш ва улардан фарқ қиладиган ўзига хос таклифни ишлаб чиқиш;

- Рақобат устунлиги: Нима учун мижозлар сизнинг маҳсулотингизни ёки хизматини бошқаларникига қараганда афзал кўриши кераклигини аниқлаш, масалан, сиз рақобатчиларга нисбатан сифатлироқ маҳсулот, яхшироқ хизмат ёки паст нарх таклиф қилишингиз мумкин.

Молиявий жиҳатлар:

- Харажатлар: Бизнесни бошлаш ва ривожлантириш учун қанча маблағ кераклигини ҳисоблаш;

- Даромадлар: Қанча даромад олишингизни ва қанча вақтда инвестиция қилинган маблағни қайтаришингизни баҳолаш;

Молиявий манбалар: Қаердан молиялаштириш олишингизни аниқланг (банк кредити, инвестициялар, шахсий маблағлар).

Амалга ошириш режаси:

- Қадамлар: Бизнесни бошлаш ва ривожлантириш учун аниқ қадамларни белгилаш;

- Вақт жадвали: Ҳар бир қадамни амалга ошириш учун аниқ вақт доирасини белгилаш;

- Жамоа: керакли бўлган кадрларни аниқлаш ва уларни жалб қилиш учун режа тузиш; Хавф-хатарлар:

- Муаммолар: Бизнесда юзага келиши мумкин бўлган барча муаммоларни аниқлаш;

- Ечимлар: Ҳар бир муаммо учун эҳтимолий ечимларни ишлаб чиқиш.

Бизнес ғояси мисоллари:

Экология ва атроф муҳитни асрашга хизмат қилувчи маҳсулотлар: Қайта ишланадиган материаллардан тайёрланган қоғоз пакетлар, озиқ-овқат учун ишлатиладиган бир марталик қоғоз идишлар;

Онлайн хизматлар: Онлайн таълим платформаси, онлайн буюртма бериш хизмати, онлайн маслаҳат хизмати.

Ижтимоий тадбиркорлик: Имконияти чекланган кишилар учун иш ўринлари яратиш, экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳалар.

Технологик стартаплар: Янги мобил иловалар, сунъий интеллектга асосланган платформалар.

Муваффақиятли бизнес ғоясини ишлаб чиқиш учун бозорни чуқур таҳлил қилиш, рақобатбардошликни таъминлаш, молиявий жиҳатларни ҳисобга олиш ва аниқ амалга ошириш режасини тузиш муҳимдир.

Энг асосийси – ғояни танлашда адашмаслик. Бунинг учун бўлажак тадбиркордан бизнес ғояни ишлаб чиқиш устида чуқур ўйлаш ва мазкур масъулиятли вазифа учун етарли вақт сарфлаш талаб этилади.

Аввало, “одамлар нимани хоҳлаши ва улар дуч келаётган муаммоларга эътиборингизни қаратинг. Кейин ушбу муаммоларни ҳал қилиш усуллари ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш йўллари тўғрисида ўйлаш зарур. Тажрибали тадбиркорларнинг сўзларига кўра, улар ғояни шакллантириш учун дастлаб бир қанча фикрни қоғозга туширишади. Сўнг ҳар бир вариантнинг афзалликлари ва камчиликларини ёзиб, уларни чуқур таҳлил қилиб кўргандан сўнг бир тўхтамга келишади”.

Турли адабиётлар ва интернет сайтлари таклиф этаётган тайёр бизнес ғоялардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларнинг ҳам устун ва заиф тарафлари хусусида ўйлаб кўришингиз мақсадга мувофиқдир.

Бизнес ғояни ўзингиз ёқтирган ва яхши тушунадиган, яъни тегишли билим ҳамда кўникмаларга эга бўлган соҳа бўйича шакллантиришингиз ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, танлаган соҳангизни икир-чикиригача яхши билмасангиз ва тадбиркорликни муваффақиятли йўлга қўя олишингизга ўзингиз тўлиқ ишонмасангиз, ўзгаларни ғоя ва фикрларингиз билан жалб қилаолмайсиз.

Янгидан иш бошлаётган тадбиркорлар учун бизнес ғоянинг ягона аниқ мақсад сари йўналтирилганлиги ҳам келгусидаги муваффақиятли фаолият учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳондаги йирик компаниялардан бир қанчаси, хоҳ у Google ёки Apple бўлсин, хоҳ Amazon ёки Alibaba, истеъмолчиларга бир қанча маҳсулот ёки хизмат турларини етказиб беришади. Лекин кўпчилик бўлажак тадбиркорлар шуни инобатга олишмайдики, ушбу компаниялардан ҳеч бири бугунгидек йирик ҳолда иш бошламаган.

Дастлаб уларнинг бари ўз олдига ягона ва аниқ мақсадни қўйиб, унга эришиш йўлида астойдил меҳнат қилишган. Бизнесни етарли даражада оёққа турғазиб, зарур тажриба ва сармоя орттиргандан кейингина фаолиятни янада кенгайтиришга эътиборни қаратишган.

Тадбиркорлик фаолиятига асос солингандан сўнг, ушбу фаолият яъни, уникал лойиҳани тўғри бошқариш, барча жараёнларни тизимлаштириш жуда муҳимдир.

Бугунги кунда ўз бизнесини тизимли йўлга қўйиб, катта муваффақиятга эришган кўплаб ёш тадбиркорларни учратишимиз мумкин.

Мисол учун ёш тадбиркор Бекзод Самикжонов “СОФИЯ ҚАНДОЛАТ” масъулияти чекланган жамияти асосчиси ва раҳбари. Бугунги кунда София бренди дўконларининг 145 та филиали мавжуд ва бу корхона 1 819 нафар ёшлар ва соҳа мутахассислари бандлигини таъминланган.

Ёш тадбиркор Умид Иргашев эса “FEED UP” тез таомланиш тармоқлари асосчиси. Бугунги кунда “FEED UP”нинг 34 та филиали фаолият юритяпти. “FEED UP” тармоқларида 600 нафар ёшлар меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Иш ҳақи фонди – 20 млрд сўм, товар айланмаси – 70 млрд сўм, тўланган солиқлар – 3,2 млрд сўмни ташкил этган.

Ёш тадбиркор Жаҳонгир Пўлатов 2014 йилда “CAMBRIDGE” ўқув марказига асос солган. 7 йил давомида 35 000 дан зиёд ўқувчиларни инглиз тилига ўргатган.

Бугунги кунда, 100 дан зиёд иш ўрнини яратган. 2020 йилда “SELFMADE ёш тадбиркорлар ҳамжамиятига асос солган ва 10 000+ ёшларга тадбиркорликка киришларига учун мотивация ва билимлар берган. 2021 йилда “MARS” ёш дастурчилар мактабига асос солган.

Юқоридаги мисолларда кўриб ўтганимиздек, бизнес ғояни тўғри шакллантириш, бизнес режани пухта ишлаб чиқиш, бизнесни тизимлаштириш орқали катта натижаларга эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда йилдан йилга тадбиркорликка, шу жумладан, ёшлар тадбиркорлигига эътибор кучайиб, ушбу соҳа ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлигини ривожланишида ёш тадбиркорлар томонидан бизнесни бошқаришда лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш, лойиҳа бошқарувининг замонавий методларидан фойдаланиш муҳим омил саналади.

Ёшларда тадбиркорлик фаолиятида лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш борасида юртимизда ёшлар кўплаб имконият ва имтиёзлар мавжуд. Жумладан, сўнгги йилларда юртимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида кўплаб ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, барча ҳудудларда “Ёшлар саноат зоналари”, “IT Park”лар барпо этилиб, фаолияти самарали йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, ёшларнинг бизнес ғоялари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “President Tech Award”, “Стартап ташаббуслар”, “Бизнес Марафон”, “Unicorns”, “Yosh tadbirkor” каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ёш тадбиркорлар ўз фаолиятини ривожлантириш учун замон билан ҳамнафас бўлиб, янги технологиялар, янги билимлардан доимий хабардор бўлиши, шахсий ривожланиши ва ўсишга кучли аҳамият бериши керак.

Жумладан, бугунги кунда сунъий интеллект, интернет ва ижтимоий тармоқлар, яшил иқтисодиёт, янги замонавий технологиялардан фойдаланиш ва ўз бизнесига татбиқ этиши давр талаби ҳисобланади.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, хусусан, ёш тадбиркорларга бизнес юритишнинг замонавий билим кўникмасини ўргатиб боришда ушбу соҳага масъул бўлган ташкилотлар ролини ҳам ошириб бориш, ушбу ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ва тадбирлар кўлами ва натижадорлигини ошириш зарур.

Шу жумладан, юртимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида фаолият юритаётган “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси фаолиятида ҳам лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш ва бу орқали Жамғарма томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлигини ошириш керак.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ёшларда тадбиркорлик фаолиятида лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш бугунги кунда долазрб ва муҳим саналади.

Ёш тадбиркорлар ўз бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, бозорни таҳлил қилиш, бизнес режа тузиш, бизнес режани амалга ошириш, бизнес жараёнларни тўғри йўлга қўйишда лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиши ёш тадбиркорлар фаолияти самарадорлигини кескин оширувчи омил саналади.

Ёш тадбиркорларга ўз фаолиятини тизимлаштириш ва кенгайтиришга қўмаклашиш борасида қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

- худудларда ёш тадбиркорлар учун бизнесни тизимлаштириш, масштаблаштириш, автоматлаштириш мавзуларида соҳа мутахассислари иштирокида семинар-тренинглар ташкил этиш;

- ёш тадбиркорлар учун ўзининг тадбиркорлик фаолиятида лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиши афзалликлари тўғрисида махсус видеороликлар тайёрлаш ҳамда ушбу видеороликларни ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилиш;

- бошқаруви принципларини татбиқ этиш, бизнесни тизимлаштириш, масштаблаштириш, автоматлаштириш мавзусида худудий ва Республика форумлари ҳамда ушбу форумлар доирасида мазкур соҳада фаолият юритувчи (консалтинг, коучинг, дастурий таъминот) компаниялар кўргазмасини ташкил этиш;

- “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармасининг худудий филиаллари (худудлардаги Ёшлар марказлари бинолари)да ёш тадбиркорларга лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш, бизнесни тизимлаштириш соҳаларида бепул консалтинг хизматларини йўлга қўйиш.

“Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси тизимларида лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш орқали Жамғарманинг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

- “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш фаолияти билан шуғулланишидан келиб чиқиб, Жамғарманинг юртимиздаги муваффақиятга эришган, тажрибали тадбиркорлардан иборат Маслаҳат Кенгашини тузиш;

- Маслаҳат Кенгаши томонидан Жамғарма фаолияти самарадорлигини ошириш учун Жамғарма тизимида лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш бўйича хорижий ва муваффақиятли тажрибалар асосида таклифлар ишлаб чиқиш;

- Жамғарма тизимидаги мавжуд “қўл бошқаруви” принципларидан воз кечиш ва лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш бўйича меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

- “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси тизимида лойиҳа бошқаруви бўйича махсус замонавий (“Trello”, “GanttPRO”, “Bitrix” каби) дастурлардан фойдаланишни жорий қилиш;

- Жамғарма тизимларидаги ходимларни лойиҳа бошқаруви принципларини татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг малака ошириш курсларида ўқитиш.

Бугунги кунда бизнесни бошқаришнинг замонавий методлари, принципларидан кенг фойдаланган ҳолда бизнесни тизимлаштирган тадбиркорлар унумдорлик ва самарадорлик бўйича улкан натижаларга эришиб келмоқда.

Мухтарам Президентимиз 2024 йил 28 июнда ёшлар билан ўтказилган мулоқотда мамлакатимиз ёшларига “Ҳар бирингиз ҳаётда муносиб ўрнингизни топишингиз учун, биз бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ ишга соламиз” деб таъкидлаб ўтдилар.

Мухтарам Президентимиз томонларидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси юртимизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида ўзининг фаолият самарадорлигини янада ошириб, ёш тадбиркорларни бирлаштирувчи ташкилотга айланади.

ИҚТИБОСЛАР. REFERENCES. СНОСКИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи. 20.08.2024 //URL:<https://president.uz/uz/lists/view/7481>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар сарҳисоби, янги вазифа ва таклифлар муҳокамаси” тўғрисидаги нутқи. 28.06.2024// URL <https://president.uz/uz/lists/view/7357>.